

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10th, 2022.

www.conferencepublication.com

ECONOMIC COMPETENCE: CONTENT, WAYS OF DEVELOPMENT

Zulfiqorov Rustam Rakhmidinovich

Ministry of Preschool Education of the Republic of Uzbekistan

Head of Department

Berdieva Lola Alisherovna

Ministry of Preschool Education of the Republic of Uzbekistan

Head of Department

Today, a modern specialist is required not only to acquire the knowledge of his specialty, but also to have economic competence. In turn, pedagogues working in the field of education demand to increase the economic knowledge of the personnel, to have economic competence among their professional qualifications. Implementation of modern forms of development of economic competence is considered as an urgent task.

ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИК: МАЗМУНМОХИЯТИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Зулфиқоров Рустам Рахмидинович

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

бошқарма бошлиғи

Бердиева Лола Алишеровна

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

бошқарма бошлиғи

Бугунги кун замонавий мутахассисдан нафақат мутухассислик йўналиши билимларининг пухта эгаллаш, балки иқтисодий компетентликка эга бўлишини ҳам талаб этмоқда. Ўз навбатида таълим соҳасида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг касбий малакалари қаторига иқтисодий компетенцига эга бўлиш талабини қўймоқда. Иқтисодий компетентликни ривожлантиришнинг замонавий шаклларини амалиётга жорий этиш долзарб вазифа сифатида қаралмоқда.

Шунингдек, таълим тизимини илфор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим босқичлар, Олий таълимда профессионал таълим йўналишини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10th, 2022.

www.conferencepublication.com

мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагиchi даражалари билан уйғунашган янги таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди. Бу эса меҳнат бозорида инновацияларга нисбатан очик, стратегик режалаштирувчи, мураккаб шароитда ҳам оқилона қарор қабул қила оловчи, иқтисодий муаммоларни ўз вақтида мустақил ҳал эта оладиган, иқтисодий билимга эга, ташаббускор ходимлар сонини ортишига замин бўлмоқда. Иқтисодий компетентлиги юқори кадрларни ким тайёрлайди? Албатта, педагог шундай экан аввало педагогларнинг иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш мухим.

«Компетентлик» тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан, компетентлик «ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик»ни англатади. Компетентлик деганда, кўпинча шахснинг фаолият юритишга умумий қобилияти ва унинг касбий тайёргарлигига намоён бўлувчи билим ва тажрибаларига асосланган интеграциялашган сифатлар назарда тутилади.

Н.А.Муслимов компетентлик тушунчасини шахсий сифатлар тўплами ва касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида намоён бўлиши билан унинг моҳиятини очиб берган. «Компетентлик – бу талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятининг амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиши билан ифодаланади».

И.А.Зимняя «...компетентлик - бу одамнинг фаолияти, хулқ-атвори, турли муаммоларни ҳал қилиш жараёнида бошқа шахслар билан ўзаро муносабатида намоён бўладиган интегратив, билимга асосланган, интеллектуал ва ижтимоий-маданий жиҳатдан аниқланган сифати», деб таърифлаган. Унинг фикрича, «компетентлик» шахсий хусусият бўлиб, таркибига киритилган компетенциялар асосида шакллантирилади.

М.А.Чошановнинг илмий ишларида компетентлик - динамик ўзгарувчан ҳодиса сифатида билимларни доимо ривожлантириб бориш, маълум вақт ва шароитга мос бўлган методларни қўллай олиш, кўплаб ечимлар орасидан самарали, энг мақбул ечимни танлашда креатив фикрлай олиш қобилияти сифатида таъкидланган. Мазкур фикрга кўра, билимлар - янги технологиялар ва уларга

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10th, 2022.

www.conferencepublication.com

замонавий талаблар юзага келиши натижасида маълум вақт ўтиши билан эскиради. Ўз навбатида, мос методларни танлаш ва янги шароитда уларни қўллашга ёндашувлар ҳам ўзгаради. Шу сабабдан, компетенция, компетентлик масалалари қўплаб олимлар томонидан ўрганилиб, тадқиқот натижалари асосида хulosалар шакллантирилган бўлсада, бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Шунингдек, компетентилик тушунчасининг моҳиятини амалиётга йўналтирилган билимлар, қўникмалар, қобилият, хулқ автор каби интегрлашган шахсий сифатлар тўплами ташкил этар экан, иқтисодий компетентлик тушунчасини қўйидагичи изоҳлаймиз: «Иқтисодий компетенлик - жамият ривожланишига мос иқтисодий билим, қўникма, малакаларни доимий эгаллаб бориш қобилияти бўлиб, турли иқтисодий вазиятларда уларнинг амалиётга мақсадли татбиқи билан боғлиқ шахсий ривожланиб борувчи сифатлар йиғиндисидир». Иқтисодий компетентлик ва унинг таркибий қисмлари билан боғлиқ масалалар қўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўрганилган ва тадқиқотлари доирасида у ёки бу даражадаги хulosалар шакллантирилган бўлса-да, унинг муайян таркибий компонентларига қўйидагича изоҳ берилади.

Е.Е.Овакимян иқтисодий компетентлик тушунчасини турли ижтимоий вазиятларда иқтисодий асосланган қарорлар қабул қилишга имкон берадиган иқтисодий билимлар, қўникмалар мажмуи, деб таърифлаган ва илмий изланишлари асосида иқтисодий компетентлик таркибига қўйидаги компонентларни киритган:

когнитив - иқтисодий билимлар тизими, жамиятда иқтисодий функцияларни бажариш бўйича ғоялар;

ҳиссий қадриятлар - иқтисодий соҳадаги муҳим қадриятлар тизими, фаолият мотивацияси, иқтисодий ҳис ва қатъий ишонч;

фаолиятликеатив - иқтисодий билимларни қўллаш тажрибаси, иқтисодий мақсадга эришиш қўникмалари;

А.Ю.Мисайлувнинг фикрича, иқтисодий компетентликнинг таркиби бир бирига боғлиқ бўлган қўйидаги компонентлардан иборат:

мотивацион – жамланган ва етарлича барқарор эҳтиёжлар тизими, иқтисодий фаолият учун муҳим сабаблар, турли иқтисодий компетенцияларга эга бўлишга қизиқиши билан тавсифланувчи;

когнитив – асосий иқтисодий тушунчаларни ифодаловчи тизим (иқтисодиёт, иқтисодий қонунлар, талаб, таклиф, маҳсулот), иқтисодий назариялар, тушунчалар, моделлар, давлатнинг иқтисодий сиёсатини олиб боришга

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10th, 2022.

www.conferencepublication.com

ёндашувлар, иқтисодиётнинг халқаро муаммолари; касбий фаолиятда иқтисодиёт асослари (қонунлар, корхонанинг иқтисодий фаолияти усуллари, иқтисодий режалаштириш, назорат ва аудит ва бошқалар).

амалий - иқтисодий муаммолар ва вазиятларни ҳал қилиш, иқтисодий қўникма ва қобилияtlар комбинациясига асосланган иқтисодий ҳисоб-китобларни олиб бориш, бизнес режаларни тузиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, турли хил иқтисодий вазиятларда касбий муаммоларга иқтисодий ечим танлашни амалга ошириш, иқтисодий фаолиятда ахборот технологияларидан фойдаланиш, фуқаролик иқтисодий хатти-ҳаракатларига риоя қилиш ва бошқалар.

шахсий - бир қатор муҳим иқтисодий фазилатлардан иборат: фаоллик, мустақиллик, ижодкорлик, самарадорлик, меҳнатсеварлик, қатъиятлилик, ташаббускорлик.

Е.А.Варкинанинг илмий ишларида «иқтисодий компетентлик - бу шахснинг интегратив сифати бўлиб, маҳсус компетенциялар (маркетинг, тадбиркорлик, хужалик-хуқуқий) мажмуи билан тавсифланади шунингдек, эгалланган иқтисодий билим, қўникма ва тажрибаларни ва маълум фаолият усулларини кўллай олиш қобилиятини акс эттириб, устувор қадриятлар ва мотивлар билан тартибга солинадиган доимий шахсий ривожланиш асосида таълим муассасаси фаолиятини таъминлашdir» деб таърифланган. Берилган таърифга асосан иқтисодий компетентлик таркибини маркетинг, тадбиркорлик ва хўжалик-хуқуқий компетенциялар ташкил этар экан, уларнинг ўзаро боғлиқ бўлган билиш, фаолиятли, мотивацион ва шахсий сифатлар компонентлари иқтисодий компетентликнинг даражасини тавсифлаши илмий асосланган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлили шунингдек, таълим тизимидағи кўп йиллик фаолият тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, белгилаш мумкинки таълим тизими ходимларининг иқтисодий компетентлигини ташкил этувчи компонентлар қаторида билиш ҳамда мотивацион компонентлари ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Билиш компонети - фаолиятнинг асосини ташкил этадиган зарур иқтисодий-хуқуқий билимларнинг йиғиндиси бўлиб, реал иқтисодий вазиятларни таҳлил қила олиш, иқтисодий муаммоларни ечиш усулини танлай олиш, режалаштириш, қарор қабул қилиш каби бир қатор вазифаларни бажаришда иқтисодий билимлар тўпламини мужассам этади. Иқтисодий соҳага оид қонуниятларни билмасдан туриб фаолиятни амалга ошириш самарасиз бўлади. Иқтисодий тушунчаларни, таърифларни қонунларни, иқтисодий назария ва фаолият услубларини билиш одатий ва ностандарт иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда мутахассиснинг имкониятни таъминлайди.

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10th, 2022.

www.conferencepublication.com

Мотивацион компонент - мотивлар, шахснинг индивидуал аҳамиятли қадриятлари ва иқтисодий бошқарув фаолияти йўналиши учун муҳим хусусиятлар йиғиндиси сифатида қаралади. Таълим соҳаси ходимларининг таянч мутахасисликлари ва иш стажлари турличалиги боис, уларнинг иқтисодий компетенцияларни эгаллашга бўлган мотивлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, янги иқтисодий билимларга эга бўлиш, иқтисодий билимларни тизимлаштириш, иқтисодий билимларга қизиқиш, иқтисодий соҳадаги кўникмаларни ривожлантириш, оддий ва мураккаб иқтисодий вазиятларда муаммоларга ечим топиш кабилар.

Иқтисодий компетенлик ўз навбатида янги иқтисодий билимлар, кўникмалар ва тажрибаларни ўзлаштириш негизида педагогнинг оддий ва мураккаб иқтисодий шароитларда ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишига хизмат қиласди.

Демак, бугунги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар шароитида, таълим тизими муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашга қаратилган педагогларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришда қўйидаги йўналишларга эътибор қаратилишни мақсадга мувофиқ:

– таълим тизими бошқарув ва педагог ходимларининг иқтисодий фаолиятлари соҳасига оид семинар-тренинглар, вебинарлар, бошқарувнинг иқтисодий муаммоларига оид конференциялар, мустақил иқтисодий билимларни ўзлаштириш, қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш асосида умри давомида таълим олишни таъминлаш;

– таълим тизими бошқарув ва педагог ходимлари малака ошириш жараёнларининг турли шаклларида, иқтисодий компетентлик таркибини ташкил этувчи компетенцияларни фаол ўзлаштириш мотивациясини ривожлантириш;

– таълим тизими бошқарув ва педагог ходимлари иқтисодий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган маҳсус ўқув курсларини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши муҳимдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тураев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. - Т., 2015. -4-5-б.
2. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш. // «Замонавий таълим», 2018, 2-сон.
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг

International Multidisciplinary Scientific Global Conference on Education and Science

Hosted Online from Warsaw, Poland on October 10th, 2022.

www.conferencepublication.com

- назарийметодик асослари. Дисс. пед. фан. док. - Т., 2007. -131-б
4. Зимняя И.А. Компетентностный подход в образовании. // www.pirao.ru/community-projects/text/kompetentnostnyy-podkhod-v-obrazovanii/
 5. Равен Дж. Компетентность в современном обществе. - М.: «Когито-Центр», 2002.
 6. Чошанов А. Дидактическое конструирование гибкой технологии обучения. // «Педагогика», Москва, 1997, № 2. -С. 21–27.
 7. Овакимян Е.Е. Развитие экономической компетентности студентов вузов. Автореферат. - Челябинск, 2010.
 8. . Мисайлова А.Ю. Компьютерное сопровождение формирования экономической компетентности у студентов учреждений среднего профессионального образования. Автореферат. - М., 2013